



UNODC

United Nations Office on Drugs and Crime
Regional Office for Central Asia



TASHKENT
STATE
UNIVERSITY
OF LAW



Юридик клиника фаолияти учун зарур ҳужжатлар тўплами

Мазкур тўплам Тошкент давлат юридик университети юридик клиникаси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Гиёхванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси ҳамкорлигига тайёрланган адабиётлардан бири ҳисобланади. Тўпламни тайёрлашдан асосий мақсад аҳолининг, хусусан ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, фуқароларга бепул ҳуқуқий ёрдам бериш мақсадида ташкил этиладиган юридик клиникалар учун намунавий ҳужжатларни тақдим этиш орқали уларнинг фаолиятига ҳисса кўшиш бўлиб ҳисобланади.

Ушбу тўпламга киритилган ҳужжатлар Тошкент давлат юридик университети юридик клиникасининг йигирма йиллик тажрибаси асосида ишлаб чиқилган. Юридик клиника фаолиятини ташкил этиш масаласидаги фикр-мулоҳаза ва саволларингизни Тошкент давлат юридик университети юридик клиникасининг ижтимоий тармоқлардаги қўйидаги саҳифалари орқали йўллашингиз мумкин:

Telegram манзили: [@probonouz_bot](https://t.me/probonouz_bot)

Facebook манзили: <https://www.facebook.com/tsullegalclinic/>

Instagram манзили: https://instagram.com/tsul_legal_clinic

Youtube манзили:

<https://www.youtube.com/channel/UC4uvuX9DE2fSt6KZUxihMNA/featured>

TikTok манзили: https://www.tiktok.com/@tdyu_yuridik_klinikasi

Ушбу нашрнинг мазмуни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Гиёхванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси ёки унинг фаолиятига ҳисса қўшадиган ташкилотларнинг қарашлари ёки сиёсатларини акс эттирамайди, шунингдек, ушбу нашрда қўлланилган ва тақдим этилган белгилар ва материаллар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Гиёхванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси томонидан бирон бир мамлакат, ҳудуд ёки шаҳарнинг ёки унинг ҳокимиётининг ҳуқуқий мақоми ёки унинг чегараларини делимитация қилиш тўғрисида ҳеч қандай фикр билдириши назарда тутмайди.

Ушбу нашр тўлиқ ёки қисман ва ҳар қандай шаклда таълим ёки нотижорат мақсадларда, муаллифлик ҳуқуқи эгасининг махсус рухсатисиз, манбани тасдиқлаш шарти билан кўпайтирилиши мумкин. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Гиёхванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси ушбу нашрдан манба сифатида фойдаланадиган ҳар қандай нашрнинг нусхасини олишдан мамнун бўлади. Ушбу нашр БМТнинг Тинчликни таъминлаш жамғармаси томонидан молиялаштирилган “Фарғона водийсида ёшларнинг ижтимоий уйғунлиги” қўшма лойиҳаси доирасида тайёрланган.

© Тошкент давлат юридик университети, 2021

© Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Гиёхванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси, 2021

© Отабек Нарзиев, 2021

**ЮРИДИК КЛИНИКА
ФАОЛИЯТИ УЧУН ЗАРУР
ХУЖЖАТЛАР ТҮПЛАМИ**

МУНДАРИЖА

I. МУҚАДДИМА	4
II. ЮРИДИК КЛИНИКА ХОДИМЛАРИНИНГ ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ	14
III. БЕПУЛ ЮРИДИК ЁРДАМ КҮРСАТИШ ҚОИДАЛАРИ	17
IV. ЮРИДИК КЛИНИКАНИНГ МАХФИЙЛИК ҚОИДАЛАРИ.....	21
V. БАЪЗИ ХОРИЖИЙ ОТМЛАР ТОМОНИДАН ЮРИДИК КЛИНИКАГА КҮНГИЛЛИЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШГА БЕЛГИЛАНГАН ТАЛАБЛАР	26

I. МУҚАДДИМА

Жаҳон тажрибаси гувоҳлик беришича амалиётга асосланган таълимни жорий этган университетлар энг самарали ҳисобланади ва иш берувчи компаниялар уларга кўплаб мурожаат этишади. Бу университетнинг жамиятга ўзига хос ёрдами бўлиб, университет жамоасининг илми, тажрибаси, ҳамда бўлажак ҳуқуқшуносарнинг кўникмаларидан фойдаланган ҳолда фуқароларга бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда намоён бўлади. Юридик клиника талабаларнинг назарий билимларини амалиёт билан уйғуналигини таъминлаш, талабаларда амалий кўникмаларни ривожлантириш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга беғараз юридик маслаҳатлар кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширади. Юридик клиникалар дастлаб олий ўқув юртлари негизида ташкил этилган бўлиб, уларни ташкил этишда асосан аҳолига ҳуқуқий ёрдам бериш, юридик мутахассислик бўйича талабаларда фуқаролар билан ишлаш, уларнинг муамоларини таҳлил этиш ҳамда уларга ҳуқуқий маслаҳат бериш билан боғлиқ кўникмаларини шакллантиришга қаратилган.

Бугунги кунда юртимизда юридик клиникалар нақафат университетлар ҳузурида, балки про боно ғояси беғарқ бўлмаган бошқаташкилотлар томонидан ҳам ташкил этилмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги юридик клиника, республиканинг 14 та юридик техникумларида ташкил этилган юридик клиникалар ва яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Гиёхванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси, Ёшлар ишлари Агентлиги ҳамда Тошкент давлат юридик университети ҳамкорлигига Фарғона водийсининг учта вилояти Ёшлар марказларида ташкил этилган юридик клиникалар бунга яққол мисол бўлади.

Жамиятимиз аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш масаласига беғарқ эмаслиги сабабли бугунги кунда ҳам турли ташкилотлар аҳолига беғараз ҳуқуқий ёрдам берувчи юридик клиникаларни ташкил этиш устида ишлашмоқда. Ушбу тўпламда шундай мақсаддат ташкил этилаётган юридик клиникаларга ёрдам сифатида, улар фаолияти учун зарур бўлган ҳужжатларнинг намуналари берилган. Тўпламда келтирилган маълумотлар бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатишдек эзгу мақсадга хизмат қилмоқчи бўлганларга ўз фаолиятларини ташкил этишда фойдали бўлади, деган умиддамиз.

II. ЮРИДИК КЛИНИКА НИЗОМИ

нинг 2021 йил
“___” даги ___ - сон буйруғига ИЛОВА

шахар Ёшлар марказида ташкил этилган
“Ёшлар юридик клиникаси” түғрисидаги
НИЗОМ

I. УМУМИЙ КОИДАЛАР

1. Мазкур низом _____ шахар Ёшлар марказида ташкил этилган “Ёшлар юридик клиникаси” (бундан буён матнда клиника деб юритилади) фаолият кўрсатиш тартибини белгилайди.
2. Клиника Ёшлар марказининг таркибий бўлинмаси ҳисобланиб, жисмоний ва юридик шахсларга беғараз юридик ёрдам бериш билан боғлик фаолиятни амалга оширади.
3. Клиника ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, қарор ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларига Ёшлар маркази раҳбарининг буйруқлари ҳамда мазкур низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб боради.
4. Клиника бевосита Ёшлар маркази раҳбарига буйсунади.
5. Клиниканинг вазифа ва функцияларини бажариш учун унинг шўъбалари ташкил қилиниши мумкин.
6. Клиникада шахсларга кўрсатиладиган юридик ёрдам беғараз амалга оширилади.
7. Клиника фаолиятини ташкил қилишнинг тамоиллари қўйидагилардан иборат:
қонунийлик;
юридик ёрдамнинг беғаразлиги;
холислик;
талабаларнинг касбий ривожланишини таъминлаш;
шахсий масъулият.

II. КЛИНИКАНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

8. Клиниканинг асосий мақсади жисмоний ва юридик шахсларга беғараз юридик ёрдам бериш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ҳисса қўшишдан иборат.
9. Клиниканинг асосий вазифалари қўйидагилар ҳисобланади:
ҳуқуқий ҳимояга мухтоҷ, кам таъминланган фуқароларга беғараз юридик ёрдам кўрсатиш;
ёшлар маркази ходимлари, юридик факультет талабларида мурожаатлари билан ишлаш кўнилмаларини шакллантириш орқали уларнинг юридик соҳадаги профессионал тайёргарлик дарражасини ошириш;
клиниканинг фаолиятига оид материалларни ўқув жараёнига татбиқ этиш.
10. Клиника ўзига юклangan вазифаларни бажариш учун қўйидаги функцияларни амалга оширади:

а) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адвокатура ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда талабаларнинг назарий билимларини амалиёт билан уйғунлигини таъминлаш борасида:

клиникада талабаларнинг фаолият кўрсатишларини ташкил этиш юзасидан ташкилий чораларни кўриш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, суд ва ҳуқуқни муҳофоза қилувчи органлар, адвокатура ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва шу орқали амалиётчи мутахассисларни клиника фаолиятига кенг жалб этиш;

талабаларнинг назарий билимларини амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлаш мақсадида уларни давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, суд ва ҳуқуқни муҳофоза қилувчи органлар, адвокатура ҳамда бошқа ташкилотлар иш фаолияти билан танишишлари учун жалб қилиш;

заруратга қараб клиникада фаолият кўрсатаётган талабалар ўртасида танловлар ўтказиш ва уларни рағбатлантириш;

б) жисмоний ва юридик шахсларга беғараз юридик ёрдамни кўрсатиш борасида:

жисмоний ва юридик шахсларнинг юридик маслаҳат олиш тўғрисидаги мурожаатларини ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишини таъминлаш;

юридик ва жисмоний шахслар учун сайёр ҳуқуқий маслаҳатлар ташкил қилиш орқали бепул юридик ёрдам кўрсатиш қамровини кенгайтириш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаати хусусияти ва мураккаблигидан келиб чиқиб, уларни ҳал этиш учун тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, суд, ҳуқуқни муҳофоза қилувчи органлар ва адвокатлик тузилмаларига мурожаат қилиш лозимлиги тўғрисида тавсиялар бериш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижасида уларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, лозим бўлганда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, суд, ҳуқуқни муҳофоза қилувчи органлар ва бошқа ташкилотларга қилиниши лозим бўлган мурожаатлар лойиҳаларини шакллантиришга кўмаклашиш;

зарур ҳолларда мурожаатларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, муаллифларга асослантирилган жавоб бериш мақсадида педагог ва бошқа ҳодимларидан иборат эксперт гурухларини шакллантириш;

заруратга қараб клиника фаолияти ҳақида аҳолининг хабардорлигини ошириш мақсадида реклама ва тарбибот фаолиятини амалга ошириш;

в) талабаларда юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш кўникумаларини шакллантириш орқали уларнинг юридик соҳадаги профессионал тайёргарлик даражасини ошириш борасида:

ҳуқуқий масалалар бўйича таҳлилий маълумотлар тайёрлаш, юридик аудит ўтказиш (due diligence) ва бошқа амалий кўникумаларни ривожлантиришга кўмаклашувчи дастурлар ишлаб чиқиш;

заруратга қараб талабаларда мурожаат қилган шахслар билан мулоқотлар олиб бориш, уларга юридик ёрдам кўрсатиш ҳамда ҳуқуқий масалаларга оид хулосалар тайёрлаш бўйича зарур кўникумаларни шакллантиришга қаратилган ўқув-методик материаллар, савол-жавоблар тайёрлаш;

клиникада амалиёт ўтаётган талабаларда юрист касб этикаси ва касбий малакасини шакллантиришга қаратилған семинар-тренинглар үтказиш;

талабаларда жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакиллари билан интервью үтказиш, ҳуқуқий муаммони аниқлаш, тегишли норматив-хуқуқий ҳужжатни таҳлил қилиш ҳамда ҳуқуқий маслаҳат бериш күнікмаларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича семинар-тренинглар ташкил этиш;

заруратга қараб амалиётчи мутахассислар иштирокида мурожаатлар бўйича аниқланган ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилишга қаратилған талабалар ўртасида баҳс-мунозалар, семинарлар, давра сұхбатлари ва бошқа инновацион мұхомама усууларини ташкил килиш ҳамда шу орқали талабаларда таҳлил қилиш ҳамда ҳуқуқ нормаларини амалиётда қўллаш күнікмаларини ривожлантириш;

г) клиниканинг фаолиятига оид материалларни ўқув жараёнига татбиқ этиш борасида:

клиниканинг фаолиятига оид умумлашма материаллар тайёрлаш ва уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш учун кафедраларга тақдим этиб бориш;

клиника фаолиятини янада такомиллаштириш, хусусан ўқув, илмий ва бошқа адабиётлар, шу жумладан хорижий адабиётлар фонди, клиник таълим учун зарур техник воситалар, шунингдек электрон ахборот-хуқуқий ва таълим ресурсларини янгилаб бориш юзасидан таклифлар бериш.

III. КЛИНИКАНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Клиника ўз зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:
клиника фаолиятини истиқболли ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиб, Ёшлар маркази раҳбариятига киритиши;
деканатлар, кафедралар ва бошқа таркибий бўлинмалардан клиника фаолиятига таалуқли материаллар ва маълумотларни сўраб олиш;
клиника фаолиятини самарали ташкил этишда ўзини муносиб хиссасини қўшган, ютуқларга эришган, фидойилик намунасини кўрсатган ходимларни рағбатлантириш юзасидан Ёшлар маркази раҳбариятига таклифлар киритиши;
клиника томонидан ташкил қилинадиган тадбирларга Ёшлар маркази таркибий бўлинмалари ходимларини келишувга асосан жалб қилиш;
клиника қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.
12. Клиника ўз зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариши давомида қуйидаги мажбуриятларга эга:
Ёшлар маркази Кенгашининг карорлари ва ректор буйруклари билан клиникага юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш;
Ёшлар маркази раҳбарияти томонидан берилган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариш;
талабаларнинг назарий ва амалий күнікмаларини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур низом доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқиш;
жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари учун белгиланган тартибда шахсий қабулларни ташкил қилиш;
Ёшлар марказининг ички тартиб қоидалари ва Ёшлар маркази одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш. Клиникага қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

IV. КЛИНИКА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

13. Клиникани Ёшлар маркази ректори томонидан тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган клиника раҳбари бошқаради.
14. Ёшлар маркази ректори буйруғи билан клиника раҳбарининг ўринбосари ва шуба раҳбари тайинланиши мүмкін.
15. Клиника раҳбари:
клиника фаолиятини бевосита бошқаради ва клиникага юклатилган вазифаларни ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилишини ташкил қиласы;
Ёшлар маркази Кенгаши йиғилишларида иштирок этади;
клиника фаолиятига жалб қилинган педагог ва бошқа ходимлар ўртасидаги вазифаларни тақсимлайди ҳамда уларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қиласы;
клиника фаолиятига доир ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва мұхоммада қилишда иштирок этади;
клиникага мурожаат қилған жисмоний ва юридик шахсларга тегишли шахсий маълумотларнинг махфий сақланиши бўйича зарур чораларни кўради;
педагог ва бошқа ходимларни клиника фаолиятига жалб қилиш, уларни алмаштириш борасида Ёшлар маркази раҳбариюти билан биргаликда тегишли тадбирларни амалга оширади;
клиникага тақдим этилган моддий бойликларни белгиланган тартибда сақланиши ва фойдаланилишини таъминлайди;
16. Клиника фаолиятини ташкил қилиш учун Ёшлар марказининг педагог ходимлари ва талабалари жалб қилинади. Клиника фаолиятига адвокатлар ва амалий иш тажрибасига эга бўлган бошқа мутахассислар ҳам жалб қилиниши мүмкін.
17. Клиникага жалб қилинган педагог ходим қўйидаги ҳуқуқларга эга:
ўз фаолияти ва клиника фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан таҳлилий маълумотлар, услугий қулланмалар тайёрлаш;
Ёшлар маркази таркибий бўлинмаларидан клиника фаолияти ва мурожаатлар билан ишлаш учун зарур бўлган аҳборот ва материалларни сўраб олиш;
талабаларни клиника аъзолигидан чиқариш бўйича клиника раҳбарига таклифлар киритиши.
Клиникага жалб қилинган педагог ходим қўйидаги мажбуриятларга эга:
талабаларни назарий билимларини амалиётга татбиқ қилиш кўнилмаларини шакллантиришга кўмаклашади;
заруратга қараб талабалар томонидан мурожаат қилувчи шахсларни қабул қилиш жараёнида иштирок этади;
клиникада фаолият юритаётган талабаларга амалий машғулотлар ўтказади; мурожаатларни ўрганиш, уларга жавоблар тайёрлашда талабаларга маслаҳатлар беради, амалий ёрдам кўрсатади ва ушбу жараённи назорат қиласы;
мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан талабалар билан мұхоммада соатлари, суд процесслари ва услугий тренинглар ташкил қиласы ва мурожаатлар билан ишлаш жараёнига инновацион методларни татбиқ қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.
18. Клиника раҳбарининг ўринбосари ва шўъба раҳбарининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари клиника раҳбари томонидан белгилаб берилади.

V. КЛИНИКАГА ТАЛАБАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ, УЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ КИЛИШ ҲАМДА КЛИНИКА АЪЗОЛИГИДАН ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ

19. Клиникага, қоида тариқасида, факультет деканлари ва кафедралар тавсияси билан 2-курснинг биринчи семестридан бошлаб бакалавриат таълим йўналишидаги талабалар жалб этилиши мумкин.
20. Клиникага талабаларни қабул қилиш ҳамда улар фаолиятини ташкил этиш ўқув ишлари бўйича проректор билан келишилган ҳолда клиника раҳбари томонидан амалга оширилади.
21. Клиникага кабул килинган талабаларнинг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:
мазкур низом ва унинг асосида кабул килинган клиниканинг ҳужжатларига қатъий риоя килиш;
клиника фаолиятида фаол иштирок этиш ва унинг ички тартиб коидаларига катъий риоя килиш;
клиника раҳбари ва клиникага бириктирилган педагог ходимнинг кўрсатмаларига риоя қилиш ва клиника фолиятига оид топшириқларни ўз вақтида ҳамда сифатли бажариш;
мурожаат қилувчи шахслар билан одоб-ахлоқ қоидаларига асосан яхши муносабатда бўлиш, ўз устида доимий ишлаш ва амалий кўникмаларини ошириш;
клиника мулкига нисбатан эхтиёткорона муносабатда бўлиш;
клиникада ташкил қилинадиган баҳс-мунозаралар, семинар-тренинглар ва ўқув-суд машғулотларида иштирок этиш;
ўзининг клиникадаги фаолияти ҳақида ахборот бериб бориш;
Ёшлар маркази Кенгаши ва клиника раҳбари томонидан ўз ваколат доирасида белгиланган бошқа мажбуриятларни бажариш.
22. Педагог ходимларнинг талабалар билан ишлаш шакллари қўйидагилардир:
жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш ва улар билан сухбат ўтказиш жараёнини назорат қилиш ва услубий кўрсатмалар бериш;
талаба томонидан тайёрланган ҳуқуқий ҳужжат (даъво ариза, шикоят, илтимоснома ва бошқа) лар лойиҳаларини тўғри тайёрланишини назорат қилиш ва уларга услубий кўрсатмалар бериш;
зарур ҳолларда талаба билан индивидуал тарзда ишлаш;
кичик гурухларда аниқ бир мурожаат ёки мурожаатларни таҳлили ва ечимиға оид тренинглар ўтказиш.
23. Талабалар клиникада аудитория дарсларидан бўш вақтларида ва амалиёт даврида белгиланган жадвал асосида фаолият кўрсатадилар.
24. Талаба қўйидаги ҳолларда клиника аъзолари сафидан чиқарилади:
мунтазам равишда (камида икки маротаба) мазкур низом талабаларини бузса ёки ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан ёндашса;
мунтазам равишда (камида икки маротаба) мурожаат қилувчи шахслар билан муюмала қилиш ва Ёшлар маркази одоб-ахлоқ; қоидаларини бузса ёки ҳуқуқий маслаҳатлардан моддий ёки бошқа наф кўришга ҳаракат қилса;
талабалар сафидан чиқарилса;
талабанинг клиникада тўлиқ фаолият юритиши учун тўсиқ бўладиган ҳолатлар юзага келса (узоқ муддатли касаллиги ва бошқа оиласвий шароитлар);
мунтазам равишда (камида икки маротаба) клиникага бириктирилган педагог ходимнинг назоратисиз, ўзбошимчалик билан мурожаат қилувчи шахсларга ҳуқуқий маслаҳатлар кўрсатса;
клиникада ҳужжатлар ва ахборотлар маҳфийлигига оид қоидаларни бир маротаба бузса;
узрли сабабларсиз клиникага келмаса ёки навбатчиликни ўтказиб юборса;
клиника аъзоси сафидан чиқариш ҳақида ўз хоҳишига кўра ариза ёзса.

VI. КЛИНИКАДА ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИИГ МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ ТАРТИБИ

25. Клиникада жисмоний ва юридик шахсларнииг мурожаатлари билан ишлаш қўйидаги шаклларда ташкил қилинади:

- а) жисмоний ва юридик шахсларнииг вакилларига шахсий учрашувлар даврида ҳуқуқий маслаҳатлар бериш.
- б) жисмоний ва юридик шахсларнииг вакилларига клиниканинг электрон почта манзили, ижтимоий тармоқларидағи саҳифаларига ёки почта орқали масофавий ҳуқуқий маслаҳатлар бериш.
- в) жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг мураккаб бўлмаган, оддий саволларига телефон орқали тушунтириш бериш. Агар мурожаатда кўтарилиган масала мураккаб ва ўрганиш талаб қиласа, мурожаат қилувчи шахсга клиникага шахсий қабулга ёзиши ёки ўз мурожаати ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни клиниканинг электрон почта манзили, ижтимоий тармоқларидағи саҳифаларига ёки почта орқали жўнатиш тавсия қилинади;
- г) Заруратга қараб сайёр қабуллар ташкил қилиш орқали ҳуқуқий маслаҳатлар бериш.

- 26. Талаба клиникага мурожаат қилувчи шахс билан қўйидаги босқичларда иш олиб боради:
 - мурожаатни электрон рўйхатга олиш;
 - мурожаат қилувчи шахснинг мурожаатини тинглаш;
 - мурожаатдаги ҳуқуқий муаммони аниқлаш;
 - аниқланган муаммонинг ечими устида ҳуқуқий тадқикот ўтказиш; мурожаатга жавоб тайёрлаш;
 - ҳуқуқий маслаҳат бериш;
- 27. Клиникада жисмоний шахслар ва юридик шахсларнииг вакилларини қабул қилиш, улар билан суҳбат ўтказиш ва ҳуқуқий маслаҳат кўрсатиш жараёнида заруратга қараб клиникага бириктирилган педагог ходим иштирок этиши мумкин.
- 28. Қўйидаги ҳолларда клиникага мурожаат этган шахсга ҳуқуқий маслаҳат кўрсатиш рад этилади:
 - аввал клиникага мурожаат қилган шахс айнан бир масала юзасидан такрорий мурожаат қилганда;
 - мурожаат қилган шахслар билан Ёшлар маркази ёки унинг ходимлари, талabalар ўртасида манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги аниқланганда;
 - ҳуқуқий бўлмаган масалада мурожаат қилинганда (суҳбатни якунида мурожаат қилган шахсга кимга мурожаат қилиш зарурлиги тушунтирилган ҳолда).
- 29. Мурожаатда кўтарилиган муаммонинг мураккаблиги ва унда аниқлаштирилиши лозим бўлган ҳолатлардан келиб чиқсан ҳолда талаба педагог ходим билан келишган ҳолда мурожаат қилувчи шахс билан қўшимча суҳбат ўтказиши мумкин.
- 30. Биринчи суҳбатдан сўнг мурожаатда кўтарилиган ҳуқуқий муаммонинг мураккаблигидан келиб чиқиб, педагог ходим томонидан талабага мурожаатда кўтарилиган масалани таҳлил қилиш ва унинг ечимини топиш учун 3-5 иш куни берилади. Алоҳида ҳолларда педагог ходим томонидан клиника раҳбари билан келишган ҳолда мурожаатга жавоб тайёрлаш учун бошқа муддат ўрнатилиши мумкин.
- 31. Мурожаат қилувчи шахсга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳуқуқий маслаҳат бериш, даъво аризаси, илтимоснома, шикоят ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, ҳуқуқий муаммони ечиш бўйича ёзма хulosasi тайёрлашдан иборат шаклда амалга оширилади.
- 32. Талабатомонидан мурожаат бўйича тайёргарликсиз ҳуқуқий маслаҳат беришга йўл қўйилмайди.

Мурожаат қилувчи шахсга сұхбат вақтида бериладиган ҳуқуқий маслаҳат тавсиявий характерга әга бўлади.

33. Мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.
34. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига оид хужжатлар клиникада _____ мобайнида сакланади. Муддати ўтган мурожаатларга оид хужжатлар белгиланган тартибда йўқ қилинади.

VII. КЛИНИКА ФАОЛИЯТИДА МАХФИЙЛИК

35. Клиника фаолиятида иштирок этиш вақтида талабалар ва педагог ходимларга мурожаатлар бўйича маълум бўлган барча маълумотлар махфий ҳисобланади.
36. Мурожаат қилувчи шахслардан тегишли ҳужжатларнинг асл нусхаларини олиб қолиш, мурожаатга тааллуқли ҳужжатларни клиника худудидан олиб чиқиб кетиш ёки уларга тегишли маълумотларни мурожаат эгасининг розилигисиз интернет ёки ижтимоий тармоқларга жойлаштириш таъқиқланади.
37. Клиникага мурожаат қилувчи шахс томонидан тақдим этилган ҳужжатлар нусхалари ва маълумотлардан уларнинг розилиги олинган ёки шахсий маълумотларнинг махфийлиги таъминланган ҳолда ўқув жараёни ва илмий тадқиқот ишларида фойдаланишга рухсат этилади.
38. Талабалар томонидан мурожаат қилувчи шахслар билан сұхбат ўтказиш, муаммони аниқлаш ва уларга ҳуқуқий маслаҳат бериш жараёнини назорат қилиш, таҳлил қилиш ҳамда ўқув жараёнида фойдаланиш мақсадида мурожаат қилувчи шахснинг розилигига асосан у билан бўлиб ўтадиган сұхбат ва ҳуқуқий маслаҳат бериш жараёни аудио ёки видео ёзув орқали қайд қилиниши мумкин.

VIII. ЯКУНИЙ КОИДАЛАР

39. Клиникани қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

II. ЮРИДИК КЛИНИКА ХОДИМЛАРИНИНГ ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ

ШАҲАР ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ЮРИДИК
КЛИНИКАСИ ХОДИМЛАРИНИНГ ОДОБ-АХЛОҚ КОДЕКСИ

МУҚАДДИМА

Умумжаҳон тан олинган ахлоқий қадриятларга асосланиб, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича адвокатнинг касбий бурчини тан олган ҳолда ва ўз касбий савиясини оширишни бурчимиз деб билган ҳолда, биз, _____ шаҳар юридик клиникасининг одоб-ахлоқ кодексини қабул қиласиз.

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 1.1. Ушбу кодекс юридик клиниканинг мутахассислари ва волонтёrlари фаолиятининг ахлоқий асосларини тартибга солишга қаратилган.
- 1.2. Юридик клиникадаги маслаҳатчиларнинг фаолияти фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олиш конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган. Инсон ва фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланган ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишда ва ҳимоя қилишда юридик ёрдам кўрсатиш, адолат ва тенглик тамоилиларини тасдиқлаш волонтёрнинг касбий бурчидир.
- 1.3. Юридик ёрдам бўйича маслаҳатчилар фаолияти амалдаги қонунчилик нормаларига қатъий мувофиқ равиша амалга оширилиши керак.
- 1.4. Волонтёр-маслаҳатчи ўзи олган буюртмаларни қонуний воситалари ва усусларини куратор билан мувофиқлаштириб мустақил равиша белгилайди.
- 1.5. Волонтёр - маслаҳатчи юридик клиника ва юридик касб обрўсини ҳамда _____ шаҳар ёшлар иттифоқи волонтёрининг обрўсини ҳимоя қилиш ва оширишга мажбурдир. Волонтёр-маслаҳатчининг ҳаракати юридик клиникага бўлган аҳолининг ишончини пасайтирмаслиги керак.

2. ЮРИДИК КЛИНИКАНИНГ АХЛОҚИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

- 2.1 **Малака принципи.** Волонтёр-маслаҳатчи мижозларга фақат ўзи ваколатли бўлган масалалар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиши мумкин. Агар ҳуқуқшуносликнинг бирон бир соҳаси бўйича етарли билимга эга эмаслиги сабабли маслаҳат беришнинг иложи бўлмаса, волонтёр-маслаҳатчи куратор билан келишилган ҳолда мижозни бошқа волонтёр-маслаҳатчига ўтказиши мумкин.
- 2.2 **Масулият.** Волонтёр-маслаҳатчи мижозга ёрдам берганда кураторнинг розилигисиз маслаҳат беришга ҳақли эмас. Волонтёр-маслаҳатчи иш бўйича тақдим этилган маълумотларнинг сифати ва тўғрилиги учун шахсан жавобгардир.
- 2.3 **Яхши ният.** Волонтёр-маслаҳатчи ҳуқуқий вазиятни фақат мижознинг манфаатлари нуқтаи назаридан ҳал қилиши керак. Мижозга ёрдам кўрсатиш жараёнида маслаҳатчи мурожаат этувчининг манфаатлари учун ижобий натижага эришиш учун қўлидан келган барча ишни қилишга мажбурдир.

2.4 Хайрихоҳлик. Маслаҳатчи мижозлар, касбдаги ҳамкасблари, шунингдек, клиника раҳбарияти билан мулоқот қилишда хушмуомала ва одобли бўлиши керак.

2.5 Ўз вақтида ишлаш. Маслаҳатчи юзага келган ҳуқуқий вазият бўйича умумий позицияни ишлаб чиқиш учун мижоз билан ҳамкорлик қилиши керак. Мижоз билан шахсий учрашувларда волонтёр-маслаҳатчи ўз вақтида бўлиши ва учрашувлар жадвалига риоя қилиши керак.

2.6 Фидойилик. Юридик ёрдам маслаҳатчи томонидан бепул амалга оширилади.

2.7 Ўзаро ёрдам. Волонтёр-маслаҳатчи бошқа волонтёр маслаҳатчиларига қийин вазиятга тушиб қолса ёрдам бериши керак.

3. МАСЛАҲАТЧИННИНГ МИЖОЗ БИЛАН ЎЗАРО АЛОҚАСИ

3.1 Мижоз мурожаат қилганда, унга юридик ёрдам кўрсатиш бўйича муносабатлар мижоз ва умуман юридик клиника ўртасида пайдо бўлади.

3.2 Волонтёр-маслаҳатчилар мижозга _____ шаҳар ёшлар иттифоқи мутахассислари назорати остида юридик ёрдам кўрсатилишини тушуниришга мажбурдирлар.

3.3 Маслаҳатчи волонтёр фуқаролар юридик ёрдам сўраб мурожаат қилгандарида, яъни мижоз билан сұхбатларининг мазмuni ва юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ бошқа маълумотларнинг маҳфийлигини сақлаши шарт. Волонтёр-маслаҳатчи у билан мижоз ўртасидаги муносабатлар тугагандан сўнг ушбу маълумотни тарқатишга ҳақли эмас. Агар ваколатли давлат органлари ёки мансабдор шахслардан белгиланган шаклдаги талаб мавжуд бўлса, маслаҳатчи томонидан маълумотни ошкор қилишга рухсат берилади. Бундан ташқари, маълумотни мажбурий равишда ошкор қилиш, мижоз ёки бошқа шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларини олдини олиш мумкин бўлган ҳолатларда юзага келади.

3.4 Маслаҳатчи мижоздан олинган маълумотдан унинг розилигисиз шахсий мақсадларида фойдаланишга ҳақли эмас.

3.5 Волонтёр-маслаҳатчи ишни муваффақиятли ҳал қилишда ҳеч қандай кафолатлар беришга ҳақли эмас.

3.6 Волонтёр-маслаҳатчи мижозга вазият тўғрисида оқилона хабар беришга ва маълумот учун оқилона сўровларга зудлик билан жавоб беришга мажбурдир.

3.7 Волонтёр-маслаҳатчи мижознинг ишидаги барча ҳолатларни тўлиқ англаш, суд амалиёти ва тегишли ўқув ва услубий адабиётлар билан танишиш, зарурат туғилганда, маҳфийлик қоидаларига риоя қилган ҳолда, клиниканинг ҳамкасблари ва мутахассислари билан маслаҳатлашиш учун барча имкониятларни ишга солишга мажбурдир.

3.8 Волонтёр-маслаҳатчи юқори ҳуқуқий ва умумий маданиятни, хушмуомаликни, сабр-тоқатни ва мижозга ҳурматни сақлашга мажбурдир.

3.10 Агар масалани ўрганиш пайтида ишлаб чиқилган ҳуқуқий позиция мижознинг позициясига тўғри келмаса, у ҳолда юридик клиниканинг раҳбари ушбу масала бўйича маслаҳат бермаслик тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

3.11 Агар мурожаат қилган шахсга турли хил сабабларга кўра ҳукуқий ёрдам кўрсатиш имконсиз бўлса, маслаҳатчи бу ҳақда мижозга ва юридик клиниканинг раҳбарига олдиндан хабар беришга мажбурдир.

Маслаҳатчи юридик ёрдам кўрсатишга ҳақли эмас, агар:

- мижознинг саволи унинг тижорат фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлса;
- клиника қарама-қарши томонга ушбу ёки тегишли ҳолатда юридик ёрдам кўрсатса ёки илгари кўрсатган бўлса;
- мижоз клиникага ноқонуний манфаатларни ҳимоя қилиш учун мурожаат қилган бўлса;
- мижознинг манфаатлари юридик клиниканинг ҳар қандай иштирокчиси ёки _____ шаҳар ёшлар иттифоки ходимларининг манфаатларига зид бўлса;
- волонтёр-маслаҳатчи муайян баҳсли вазиятни ҳал қилишда шахсий манфаатдор бўлса;
- юридик клиникага мурожаат қилиш вақтида ушбу масала судда ва прокуратура органларида кўриб чиқилаётган бўлса;
- масала судда вакилликни таъминлаш билан боғлиқ бўлса.

3.12 Волонтёр-маслаҳатчи мижоздан моддий манфаат олиш учун юридик ёрдам кўрсатishi тақиқланади.

4. КЛИНИКА ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАСИ

4.1 Юридик клиниканинг иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар ҳурмат, ишонч, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам асосида курилади.

4.2 Волонтёр-маслаҳатчи юридик ёрдам кўрсатиш жараёнида пайдо бўладиган масалалар бўйича Юридик клиниканинг раҳбаридан ёрдам сўрашга ҳақлидир.

4.3 Клиниканинг волонтёр-маслаҳатчиси юридик клиниканинг раҳбари билан олдиндан келишувисиз оғзаки ёки ёзма равишда маслаҳат бера олмайди.

4.4 Мижозлар билан сұхбатда ўз ҳамкаслари ёки бошқа адвокатларнинг касбий ёки инсоний фазилатларини танқид қилишга йўл қўйилмайди.

4.7 Волонтёр-маслаҳатчи ҳамкасларига нисбатан эҳтиёткорлик ва эътиборли бўлиши керак.

5. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

5.1 Ушбу Кодекс қоидалари юридик клиниканинг барча иштирокчилари томонидан қўлланилиши ва уларга риоя қилишлари учун мажбурийдир.

5.2 Кодекс қоидаларига риоя қилиш волонтёр-маслаҳатчи ўз вазифаларини вижданан, ҳалол, малакали, самарали бажаришига ва юридик клиниканинг ва _____ шаҳар ёшлар иттифоқининг обрўсини оширишга ёрдам бериши керак.

